

МАЪРУЗАЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

“Маъмурий жавобгарлик”

Маъруза мавзуси: Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

Маърузачи: Р.С.Алтиев

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 8-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashi. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик қўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш, қонунларни амалётга қўллай олиш тайёрлаш кўникмасига эга бўлади;

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш,

шунингдек маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарорларни ижро этиш. тушунтирилади;

- ✓ Процессуал ҳужжатлар ўрганилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш** - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтиришда ифодаланади.
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик** - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузишда ифодаланади.
- **Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш** - Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузишда ифодаланади.
- **Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш** - Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузишида ифодаланади.
- **Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш** - Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатишда ифодаланади.
- **Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш** - Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказишда ифодаланади.
- **Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш** - Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузишда ифодаланади.
- **Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш** - Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузишда ифодаланади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 314-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судясига, судянинг маъмурий ишлар бўйича қарори устидан эса - туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга шикоят берилиши мумкин. Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади.

Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни уч сутка ичида иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида Шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида шикоят берилиши мумкин. Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан:

1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси қарори устидан - туман (шаҳар) суди раисига ёки юқори турувчи судга;

2) бошқа орган (мансабдор шахс) қарори устидан - қарор чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) протест билдириши мумкин.

Хўжалик судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексида белгиланган тартибда протест келтирилади.

Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси қўллаш тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинadиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Прокурорнинг протест билдириши маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарор ижросини протест кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар), шикоят ва протест тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширади.

Маъмурий ишлар бўйича судянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича иш кассатсия инстансияси судяси томонидан суд раиси топшириғига биноан кўриб чиқилади.

Кассатсия инстансияси суди судясининг маъмурий ишлар бўйича судянинг қарори юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича ҳал қилув қарори қарор шаклида чиқарилади ва чиқарилган вақтдан бошлаб кучга киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилади:

1) чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;

2) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;

3) чиқарилган қарорни бекор қилади ва ишни юритишни тўхтатади;

4) жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун:

а) орган (мансабдор шахс) томонидан ишни тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши;

б) орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ҳамда ЎзР МЖТК Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги;

в) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши; қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур ишни кўриб чиқишга ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарор бекор қилинади, иш эса ваколатли органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорида:

а) у чиқарилган вақт ва жой; шикоят ёки протестни кўриб чиқаётган мансабдор шахс;

б) прокурор ва бошқа иштирок этаётган шахслар;

в) шикоят берган шахс ёки протест билдирган прокурор;

г) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича шикоят берилган ёки протест билдирилган қарорнинг ҳамда шикоят, протестнинг моҳияти;

д) чиқарилаётган қарорни асосланиши;

е) шикоят ёки протест юзасидан қарор кўрсатилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестга доир ҳал қилув қарорининг нусхаси ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга уч кун муддат ичида юборилади, жабрланувчига эса - унинг илтимосига биноан юборилади. Протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида прокурорга маълум қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан берилган Шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига прокурор протест билдириши мумкин.

Шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига протест мазкур қарорни чиқарган органдан (мансабдор шахсдан) юқори турувчи органга киритилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш ундириб олинган пул суммаларини, ҳақи тўлаб олиб қўйилган ва мусодара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шунингдек, илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашларни бекор қилишга сабаб бўлади. Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади.

Фуқарони маъмурий қамоққа олиш ғайриқонуний равишда қўлланилганлиги натижасида етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодекста ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорга Шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда бу қарор берилган Шикоят ёки билдирилган протест қаноатлантиришсиз қолдирилгандан кейин ижро этилиши керак. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинadиган жарима солиш тўғрисидаги қарор бундан мустаснодир.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор уни чиқарган орган (мансабдор шахс) томонидан ижро этишга қаратилади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан ижро этилади.

Бир шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш тўғрисида бир неча қарор чиқарилган ҳолларда уларнинг ҳар бири мустақил равишда ижро этилади.

Маъмурий қамоққа олиш ёки жарима солиш (жойнинг ўзида ундириб олинadиган жарима солиш бундан мустасно) тарзида маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) унинг ижросини бир ойгача муддатга кечиктириши мумкин.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқарган орган (мансабдор шахс):

- 1) амнистия акти эълон қилиниб, у маъмурий жазо чорасини қўллашни йўқ қилса;
- 2) маъмурий жавобгарликни белгиловчи норматив ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 3) устидан қарор чиқарилган шахс вафот этган бўлса, унинг ижросини тугатади.

Башарти маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг ижроси билан боғлиқ бўлган масалаларни шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) ҳал этади.

Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг тўғри ва ўз вақтида ижро этилишини назорат қилиш шу қарорни чиқарган орган (мансабдор шахс) зиммасига юклатилади.

Аниқ маъмурий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш мазкур ўқув қўлланма нинг 4-бобида батафсил ёритиб берилган.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ҳуқуқи.
- Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш тартиби.
- Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш муддати.
- Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида протест билдириш.
- Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш қоидалари.
- Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш.
- Нарсани ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш.

- Нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш.
- Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш.
- Маъмурий қамокқа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш ва протест билдириш тартиби қандай?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар) қанча муддат ичида кўриб чиқилади?
3. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорда нималар акс эттирилади?
4. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорлар ким томогидан ижро этилади?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й. қабул қилинган.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган.
- 3) Курилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎЗР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
- 4) “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон Қонуни билан қабул қилинган // ЎЗР ОМПА, 2010 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎЗР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.
- 6) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с
- 7) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденсия йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев.– Т.: 2006.– 800 б.
- 8) Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориев ва Б.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.
- 9) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 608 б.